

**ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ТЕРГОВГА ТОРТИЛИШИ
МУМКИН БЎЛГАН ШАХСЛАР ВА БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН
ШАХСЛАРНИ ҚИДИРУВИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА СОҲАВИЙ
ХИЗМАТЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ**

Бабаханов Ҳамдам Қадамович

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси фаолияти кафедраси ўқитувчиси, майор*

Ибодуллаев Азизбек Умиджон ўғли

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги таълим
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ихтисослиги бўйича
таълим олаётган 3-ўқув курси 322-ўқув гуруҳи курсанти*

Аннотация: Мақолада профилактика инспекторининг терговга тортилиши мумкин бўлган шахслар ва бедарак йўқолган шахсларни қидиришда соҳавий хизматлар билан ҳамкорлигини самарали ташкил этиш масалалари таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: Профилактика инспектори, шубҳали шахслар, бедарак йўқолган шахслар, қидириш, соҳавий хизматлар, ҳамкорлик.

Аннотация: В статье анализируются вопросы эффективной организации взаимодействия инспектора профилактики с отраслевыми службами при розыске лиц, подлежащих расследованию, и лиц, пропавших без вести.

Ключевые слова: Инспектор по профилактике, подозрительные лица, лица, пропавшие без вести, розыск, отраслевые службы, сотрудничество.

Ҳамкорлик – бу иш-фаолиятни биргаликда олиб бориш, бирор соҳада ўзаро боғланиб, вазифаларни мувофиқ ва тенг бажаришни англатади. Профилактика инспекторлари фаолиятида ҳамкорлик ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва жиноятчиликка қарши курашишда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу ҳамкорлик турли шаклларда ва йўналишларда амалга оширилади. Биринчидан, ички идоравий ҳамкорлик соҳавий хизматлар ўртасидаги қўшма фаолиятни ўз ичига олади. Иккинчидан, идоралараро ҳамкорлик ички ишлар органлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда давлат ҳокимияти органлари билан биргаликдаги самарали фаолиятни таъминлайди. Шунингдек, жамоатчилик билан ҳамкорлик маҳаллалар ва фуқаролар ташкилотлари орқали ҳуқуқбузарликлар профилактикасини кучайтиришда муҳим роль ўйнайди. Халқаро ҳамкорлик эса хорижий тажриба ва алоқалардан фойдаланиш орқали фаолиятни такомиллаштириш имконини беради.

Ҳамкорликнинг шакли ҳам икки хилда намоён бўлади. Амалий ҳамкорликда ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш чора-тадбирлари субъектлар томонидан ўзаро келишилган ҳолда амалга оширилади. Ахборот алмашув шакли эса ҳуқуқбузарликлар, уларнинг сабаб ва шароитлари, шубҳали шахслар ва содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликлар бўйича маълумотларни ёзма ёки оғзаки тарзда етказишни ўз ичига олади.

Профилактика инспекторлари соҳавий хизматлар билан ҳамкорликда фаолият юритишда қатор вазифаларни бажаради. Улар вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, психологлар билан ҳамкорлик қилади, пробация назоратидаги шахсларнинг хулқ-атворини кузатади ва янги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ёрдам беради. Шунингдек, маҳалла ҳудудида фуқаролар ва юридик шахслар томонидан қонун талаблари бажарилишини назорат қилиш, террористик ва экстремистик гуруҳларга алоқадор шахсларни аниқлаш ва тезкор-қидирув тадбирларини қўллаб-қувватлашда ҳамкорлик қилади. Уларнинг вазифалари шу билан чекланмайди: жазодан қочаётган, тергов ва суд органларидан яширинган, бедарак йўқолган шахсларни қидириш ва шахсни мажбурий келтириш бўйича қарорларни ижро этишда ҳам профилактика инспекторлари соҳавий хизматлар билан яқин ҳамкорликда ишлайди.

Ушбу ҳамкорлик тартиби Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги 407-сонли “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни ҳамда маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятига оид нормалар асосида амалга оширилади. Бу қонунчилик асоси маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойтчиликка қарши курашишда ички ишлар органлари, бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари ва жамоат тузилмаларининг ҳамкорлигини тизимли тарзда ташкил этиш имконини беради.

Профилактика инспекторлари фаолиятида бедарак йўқолган ёки терговга тортилиши мумкин бўлган шахсларни қидириш ҳамда уларнинг прокуратура ва суд органлари билан муносабатларини таъминлаш муҳим ўрин эгаллайди. Фуқаролик процессуал кодексининг 305-моддасига мувофиқ, бедарак йўқолган шахс ёки вафот этган шахс тўғрисидаги ариза манфаатдор шахс томонидан судга унинг охириги маълум яшаш жойида тақдим этилади ва суд қонунчиликда белгиланган муддатларда аризани кўриб чиқади.

Профилактика инспектори бу жараёнда тергов ва суд органларидан яширинган, жазодан қочаётган ёки бедарак йўқолган шахсларни қидиришда прокуратура органлари билан ҳамкорлик қилади. Шу билан бирга, улар ҳодиса содир бўлган жойда дастлабки чора-тадбирларни амалга ошириш, далил ва изларни сақлаш ҳамда тегишли шарт-шароитларни таъминлашда прокуратура ходимларига кўмаклашади.

Шу тарзда профилактика инспектори суд ва прокуратура кўрсатмалари асосида шахсларнинг келишини таъминлайди, улар билан боғлиқ профилактик ҳисобларни юритади ва зарур маълумотларни тегишли органларга тақдим этади. Бедарак йўқолган ёки вафот этган шахс топилганда, суд илгариги қарорни бекор қилиб, шахснинг мол-мулки ва фуқаролик ҳолатига оид ҳуқуқий ҳаракатларни тўғри йўналтириш имконини беради.

Шу билан профилактика инспекторининг фаолияти бедарак йўқолган ва терговга тортилиши мумкин бўлган шахсларни қидиришда қонуний, тизимли ва самарали ҳамкорликни таъминлайди.

Профилактика инспекторлари тергов ва суд жараёнларида прокуратура органлари билан ҳамкорликда фаолият юритиб, терговга тортилиши мумкин бўлган шахслар ва бедарак йўқолган шахсларни топишни таъминлайдилар. Шу жумладан, улар шахсларни суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан чақирилганда чақирув қоғозлари орқали хабардор қилади, ҳамда шахс узрсиз сабабларга кўра келмаган тақдирда **мажбурий келтиришни** ташкил қилишда иштирок этади.

Мажбурий келтириш – бу шахснинг гувоҳ, жабрланувчи, гумонланувчи, айбланувчи ёки судланувчи сифатида процессуал ҳаракатларда катнашишини таъминлаш учун қўлланилади. Профилактика инспектори бу жараёнда шахснинг манзилини аниқлаш, зарур ҳолатда уларни олиб келиш ва тегишли органларга топширишда кўмаклашади.

Шу тариқа, профилактика инспекторининг вазифаси нафақат бедарак йўқолган шахсларни қидириш ва уларнинг судга келишини таъминлаш, балки тергов жараёнида шахсларнинг қонуний чақирув ва мажбурий келтирилиш тартибини амалга оширишда ҳам ҳамкорликни таъминлашдан иборат. Бу ҳамкорлик қонунчилик талабларига мувофиқ ва тизимли тарзда амалга оширилади, натижада ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва олдини олиш фаолияти самарадорлиги ошади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги ЎРҚ-407-сон қонуни.
4. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси.
5. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси.

6. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси [Электронманба] /
/URL:<http://constitution.uz/uz/pages/humanrights>.

7. Ш.М.Мирзиёев. Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир. [Электрон манба] <https://president.uz/uz/lists/view/3119>.